КУЗГИ ДОН — ЁЗГИ НОН

НАВОИЙ. Навоий туманидаги "Ҳазора" жамоа хўжалиги галлакорлари эрта кузда экилган сара дондан мўл ҳосил кўтаришда ўзига хос тажриба тўплашган. Ана шундан бўлса керак, хўжалик деҳқонлари якунланаётган йилда эл дастурхонига 2368 тонна сара буғдой армуғон этишиб, йиллик режани ошириб бажаришди. Айни кунларда эса хўжалик буғдойзорларида кузги-қишки дала ишлари қизғин. Октябрь ойида экилган 740 гектар майдондаги бошоқли экинлар сифатли озиқлантирилиб, оби-тобида суғорилди. Деҳқонлар меҳрига қонган буғдойзорлардан кўз қувнайди.

Музаффар ШАРОПОВ.

ЎГИТЛАРДАН ИЛҲОМ ОЛИБ

ТОШКЕНТ. Кеча Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази, халқаро Амир Темур жамғармаси, Ўзбекистон телевидениесининг бадиий кўрсатувлар дирекцияси ходимлари иштирокида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти биносида Соҳибқирон Амир Темур йилига бағишланган "Бобомиз ўгитлари" мавзуида адабий-мусиқий анжуман бўлиб ўтди.

Унда олимлар, ёзувчи ва шоирлар ҳамда бошқа кишилар иштирок этишди. Таниқли хонанда, созандалар ва институтнинг "Ипак парилари" дастасининг чиқишлари кечага ўзгача шукуҳ бахш этди.

Адиба ҒОЙИБОВА.

Тойлоқ тумани агрофирмаси бош мутахассиси Қобилжон Арабов ва лимончилик иссиқхонаси мудири Тошпўлат Бекназаров бу йилги ҳосилдан мамнун.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

СЎНГГИ СОАТДА

ДЕҲҚОНЛАРГА БЕПУЛ КИЙИМЛАР

СИРДАРЁ. Вилоят далаларида ерларни шудгорлаш ва яхоб бериш авжида. 500 га яқин ҳайдов тракторлари ишлатилмоқда. Техника сонини 2 баробар кўпайтириш мўлжалланган. Қишлоқ хўжалик ходимлари ва мутахассислари билан ўтказилган учрашувда вилоят ҳокими Ўктам Исмоилов тракторчиларга 2000 та пахтали коржама бепул берилиши ва шунча иссиқ шимлар буюртма билан тиктирилишини таъкидлади.

Абдужалил УМАРОВ.

КИМ КЎП КИТОБ ЎҚИЙДИ?

ФАРҒОНА. Қўқонлик ўқувчилар орасида "Ким кўп китоб ўқийди?" танлови эълон қилинган эди. Ўқув йили бошланиши билан мактаблар, педагог жамоалар ёшларнинг қандай нашрларни мутолаа қилишганини сарҳисоб қилдилар. Қўқон шаҳар мактаблари орасидаги якунга кўра Н. Обидова, Р. Хўжаева, Ш. Ҳамидов каби ёшлар голиб, деб топилиб, уларга шаҳар ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, мактаб кутубхоналарига 176 минг сўмлик китоб ҳадя этилди.

Алишер ИБОДИНОВ.

Уста кулол Қудрат Асроровнинг 7 ёшли ўғли Беҳзоднинг 50 дан ортиқ "муаллифлик" ишлари бор. Ушбу суратда ҳам Беҳзод ижодидан намуналар акс этган.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 28 ноябрь, пайшанба № 152 (22.073).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЛИССАБОНГА ТАШРИФИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу йил 2-3 декабрь кунлари Лиссабонда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти иштирокчилари бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашувида иштирок этади.

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК



СУРАТЛАРДА: 1. Тошкент аэропортида икки давлат раҳбарларининг учрашуви. 2. Ҳужжатларни имзолаш пайти.

ЎзА олган суратлар.

27 ноябрь куни Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Тошкент аэропортида Туркманистон давлат раҳбарига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пешвоз чиқди.

Миллий либосдаги қизлар олий мартабали меҳмонга Ўзбекистон заминининг анвойи гулларини тақдим этдилар.

Автомобиллар карвони икки давлат байроқлари ҳамда меҳмонларни олқишловчи шиорлар чиройига алоҳида тантаналорлик бахш этган гўзал Тошкент кўчалари бўйлаб Дўрмон қароргоҳига йўл олди.

Дўрмонда Туркманистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов шоҳсупага кўтарилдилар. Икки қардош давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Шундан сўнг, Президент Ислом Каримов ва Президент Сапармурот Ниёзов ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди.

Икки қардош давлат раҳбарлари суҳбати чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлиги истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Айни вақтнинг ўзида қароргоҳдаги муҳташам залда Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегацияларининг музокаралари бошланди. Қуннинг иккинчи ярмида эса расмий делегациялар аъзолари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов иштирокида кенгайтирилган таркибда музокараларни давом эттирдилар.

Ислом Каримов Президент Сапармурот Ниёзов раҳбарлигидаги Туркманистон делегацияси аъзоларини мамлакатимизга ташрифи билан қутлар экан, икки мамлакат халқларининг азалий қон-қардошлик, ҳамкорлик муносабатлари бугунги кунда янгича ҳуқуқий асосда тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади. Юртбошимиз шундан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг фойдаланилмаган имкониятлари ҳақида тўхталди. Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ҳуқуқий асосларини кенгайтириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мавжуд имкониятларидан оқилона фойдаланиш йўлида муҳим қадам бўлишини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатимизнинг нефть ва газ қазиб олиш, ундан фойдаланиш, чегара вилоятларда эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш, машинасозлик соҳасида, транспорт коммуникациясини ривожлантириш ҳамда Орол муаммосини ҳал этиш борасида ҳамкорлик қилиши муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади. Шунингдек, юртбошимиз маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, жумладан, Ўзбекистонда Туркманистон кунлари, Туркманистонда Ўзбекистон кунлари ўтказиш, ўзаро телекўрсатувлар алмашишни кенг йўлга қўйиш қардош халқларимиз манфаатига хизмат қилишини қайд этди.

Президент Сапармурот Ниёзов Туркманистон қардош Ўзбекистон билан алоқаларни мустаҳкамлаш, жумладан иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори эканини айтди. Бу борада Президент Ислом Каримовнинг таклифларини тўла қўллаб-қувватлашини билдирди. Халқларимиз асрлар давомида бир-бири билан яқин алоқада бўлиб келган, бугун биз ушбу ришталарни янада мустаҳкамлаш учун барча имкониятларни ишга соламиз, дейди жумладан, Сапармурот Ниёзов.

Ўзаро музокаралар ниҳоясида Ислом Каримов ва Сапармурот Ниёзов Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация, Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасидаги ҳуқуқий ёрдам ва фуқаролик, оилавий. жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартнома ҳамда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон қўшма комиссиясини ташкил қилиши ҳақидаги протоколга имзо чекдилар.

Туркманистон Президентининг мамлакатимизга ташрифи ғоят самарали ўтаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Музокаралар ниҳоясида Бош вазир ўринбосарлари даражасида имзоланган Ўзбекистон ва Туркманистон ҳукуматлари ўртасида йўловчи ва юк ташиш халқаро дарё йўли тўғрисидаги, 1994-1996 йилларда етказиб берилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоб тўғрисидаги, наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ҳамда уларни суиистеъмол қилишга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги, ҳуқуқий ахборот алмашиш тўғрисидаги битимлар шундан далолат беради.

Бундан ташқари, икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари элчихоналар фаолияти билан боғлиқ масалаларни биргаликда ҳал этиш тўғрисидаги битимни, Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протоколни, шунингдек, фойда ва мулкдан икки ёқлама солиқ олмаслик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимнинг ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протоколни имзоладилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон мудофаа вазирлари эса Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасидаги ҳарбий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага, икки мамлакат бош прокурорлари Ўзбекистон Республикаси прокуратураси билан Туркманистон бош прокуратураси ўртасидаги Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасидаги ҳуқуқий ёрдам ва фуқаролик, оилавий, жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномани амалга оширишда ҳамкорлик тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзов журналистлар билан учрашиб, уларни икки мамлакат расмий делегацияларининг ўзаро музокаралари якунлари билан таништирдилар.

— Аввал имзоланган ва бугун қўл қўйилган ўн икки ҳужжат Ўзбекистон — Туркманистон ҳамкорлигининг қай даражада муҳим босқичга кирганлигини кўрсатади, — деди Президент Ислом Каримов. — Ушбу муҳим ҳужжатлар тарихи, маданияти ва дини бир халқларимиз манфаатига мос тушади, қолаверса, бугунги кунда ҳар икки мамлакат бозор муносабатларига ўтиш жараёнида дуч келаётган баъзи қийинчиликларни ўзаро ҳамкорликда ҳал қилишига хизмат қилади.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Туркманистон делегацияси таркибида ушбу мамлакат халқ хўжалигининг барча соҳалари вакиллари борлиги алоҳида эътиборга лойиқлигини таъкидлади.

— Асрлар давомида ўзбек ва туркман халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланиб келган, — деди Президент Сапармурот Ниёзов. — Бугун ана шу хайрли анъанани давом эттириш, уни келгуси авлодларга муносиб равишда етказиш Туркманистон ва Ўзбекистон раҳбариятининг бурчидир.

Президентлар журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтардилар.

Оқшом Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Дўрмон қароргоҳида Туркманистон давлат раҳбари шарафига қабул маросими уюштирди.

Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзовнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИШ ҲАҚИНИНГ ЭНГ ОЗ МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Болали оилаларга нафақаларни ва аҳолига туланадиган энг оз иш ҳақи миқдорига нисбатан белгиланган бошқа тўловларни ошириш мақсадида:

1. 1996 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 600 сўм этиб белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига, пенсияларга устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақи миқдорига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу Фармонда белгиланган энг оз иш ҳақи миқдорига асосан 1996 йилнинг 1 декабридан бошлаб амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар 1996 йил 1 декабрдан жорий этиладиган иш ҳақининг энг оз миқдоридан келиб чиққан ҳолда иш ҳақи ва пенсияларга устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда бошқа тўловлар ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

4. Иш ҳақига, пенсияларга ва устама ҳақларни ошириш, шунингдек, нафақалар ва бошқа тўловларни кўпайтириш билан боғлиқ харажатлар тегишли равишда республика давлат бюджети, ижтимоий суғурта фонди маблағлари ҳамда корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан қоплансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 ноябрь.

ЯССАВИЙНИ ЗИЁРАТ ҚИЛАДИЛАР

АНДИЖОН. «Олтин мерос» халқаро жамғармасининг вилоят бўлими Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб бир гуруҳ фахрийларни «Мерседес-Бенц» автобусида Туркистон сафарига юборди. Сафар қатнашчилари Соҳибқирон пирларидан бири Аҳмад Яссавийнинг муборак равзаларини зиёрат қиладилар. Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистон ҳудудларида учрашувлар ўтказадилар. Тошкентда «Темурийлар даври давлат музейи»ни томоша қиладилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ШАРҲ

Республика бошқарув органларини қисқартириш ва уларнинг тузилмасини такомиллаштириш, бошқарув ходимлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларга сарфланадиган харажатларни қисқартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 26 ноябрда «Бошқарув органлари тузилмасини такомиллаштириш ва маъмурий-бошқарув ходимлари сонини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Махсус ҳукумат комиссияси ва Молия вазирлигининг таклифлари асосида «Ўзтайёрловсавдо» Ўзбекистон Республика савдо-харид уюшмасини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ёғоч тайёрлаш, қурилиш конструкциялари ишлаб чиқариш ва ёғочни қайта ишлаш бош бошқармасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва уларга қарашли ташкилотларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг раҳбар ходимлари, маъмурий-бошқарув ходимлари сонини сезиларли даражада қисқартиришга доир чора-тадбирлар белгиланган.

Белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари сони ўртача 20 фоизга ёки 33,7 минг кишига қисқаради, шу жумладан, бошқарув марказий аппарати ходимлари сони 2,4 минг кишига қисқаради, вазирлар, давлат қўмиталари раислари ва идоралар раҳбарларининг ўринбосарлари 91 нафарга камаяди.

Маъмурий-бошқарув ходимлари сонининг қисқариши уларга сарфланадиган харажатларнинг 1,6 миллиард сўмини тежаш имконини беради, унинг қарийб 1 миллиард сўми иш ҳақини ташкил этади.

Молия вазирлигига 1997 йил бюджетини шакллантиришда бюджет ташкилотларининг маъмурий-бошқарув ходимларига сарфланадиган харажатларни вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва уларга қарашли ташкилотлар бошқарув аппарати ходимларининг белгиланган чекланган сонига қатъий мувофиқ ҳолда маблағ билан таъминлашни назарда тутиш топширилган.

Қабул қилинган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши давлатнинг бошқарув тузилмаларига сарфланадиган ҳаракатларини анчагина қисқартириш ва бўшаб қолган маблағларни ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтириш имконини беради.

ИШ БИЛГАН ИМКОН ТОПАР

СУРХОНДАРЁ. Шурчи дон маҳсулотлари комбинати директори Эркин Қурбонов қизиқ «фалсафа» айтиб қолди: кўп ишлаган, яхши ишлаган одамнинг боши оғримайди, —деди,— боши оғримайдиган одам, табиийки, яхши яшайди.

Комбинат ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,5 минг тонна унни кўп ишлаб чиқарди. Лекин бу жамоа яхши ишлаётганини кўрсатувчи ягона кўрсаткич эмас. Кейинги икки ой ичида бу ерда иккита цех очилди: биттасида 15 килограммлик ун халталар тикилади. Иккинчи цех бўлса буғдой талқони (манная крупа) ишлаб чиқаради. Парҳез таом масаллиги- буғдой талқони билан вилоятни энди комбинатнинг ўзи таъмин этади!

Фақат бу эмас. Комбинатнинг макарон цехи тилим-тилим макарон (рожки) ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Пуллик хизмат кўрсатувчилари бўлса бозорчиларга сотиш учун қоғоз халта тика бошладилар. Комбинат ҳозир аҳолига бултургидан икки баравар кўп пуллик хизмат кўрсатяпти.

Олимжон УСАНОВ.

ЭЛЛИККАЛЪА ОБОДОНЛАШМОҚДА

НУКУС. Элликқалъа тумани хўжаликларида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхшиланмоқда. «Сарибин», «Бохёб», «Москва», «Тоза Алиробод», «Қирққиз ой» каби хўжаликларда замонавий гузарлар ташкил этилмоқда. Қишлоқ аҳли новвойхона, ошхона, сартарошхона, бичиш-тикиш, пойабзаллар таъмирлаш, суратхона, радио-телевизор устахонаси хизматидан аҳоли мамнун.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

ЙЎЛ ЁҚАСИ — МЕҲМОНХОНА

БУХОРО. «Яхшиобод» ишчилар ширкати жамоаси йўловчиларга турли қулайликлар яратмоқда. Хусусан, Газли — Бухоро йўлида замонавий чойхона-меҳмонхоналар барпо этилди. Серқатнов йўл ёқасидаги бу иншоотларни бунёд этишда ишбилармонлардан Комил Ашуров, Бекмурод Муродов, Саъдулла Бековларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Собиржон ҚОДИРОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

ГАЗЕТАМИЗ НАШР ИНДЕКСИ:

ЯККА ТАРТИБДА ОБУНА БЎЛУВЧИЛАР УЧУН — 64583.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН — 64588.

Ҳуқуқий жамият сари

КЕЛАЖАГИМИЗ КАФОЛАТИ

Яна бир неча кунлардан кейин мустақил Ўзбекистон давлатининг Конституцияси қабул қилинганига тўрт йил тўлади. Бу сана Ватанимиз тарихидаги буюк воқеадир. Ўзбекистон халқи юртбошимиз И. А. Каримов раҳнамолигида илк бор ўз давлат мустақиллигига ва унинг ҳуқуқий асоси — Конституциясига эга бўлди. Бу ҳужжат дунёда янги демократик давлат — Ўзбекистон Республикаси бунёд этилганлигини акс эттирди.

Конституция қонунлар қонуни ҳисобланиб, халқнинг ўзини ўзи бошқариши, эркинлик ва ижтимоий адолат, инсонпарвар демократик давлат барпо этиш, унинг умуминсоний қадриятларга нақадар содиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қай даражада юридик жиҳатдан ҳимояланганлигини ўзида акс эттирган.

Ўзбекистон Президенти мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлини Конституцияга асосан белгилаб олиши лозимлигини таъкидлаб «Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири, кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ», деган эдилар.

Конституциямиз ижтимоий-сиёсий ва бошқа жиҳатлари билан ўз миллий қадриятларимизга мос бўлиб, одамларимизнинг қалби қанчалик пок, инсонийлик фазилатлари юқори даражада, ҳақиқий демократиянинг тимсоли эканлигини ўзида акс эттирди.

Ҳа, Конституциямиз келажагимиз кафолатидир. Бу кафолатни авайлаб-асраб сақлаш, уни узоқ асрларга етакловчи, эъзозловчи, ҳурматини кўкларга кўтаришни кафолатловчи ким? Бу бизнинг келажак авлодимиз — ёшларимиздир. Конституция эса ўз навбатида ёшларимизнинг билим олишини, соғлом ўсишларини, келажаги порлоқ бўлишини, уларнинг истиқболи учун барча шароитлар мавжудлигини кафолатлайди.

«Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир». (Конституциянинг 45-моддаси). Бу сатрлар Ўзбекистон нафақат ҳуқуқий давлат, балки инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйганлигини кўрсатади. Мазкур модда жамиятда айрим тоифадаги, ҳимояга муҳтож заиф кишилар давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлиши зарурлигини тақозо этади.

Ёшларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги бу масалани фақат Конституцияда қайд қилишнинг ўзи билан чекланмайди. Бу Конституциявий меъёр амалда ҳам ўз ифодасини топиши учун давлат кўплаб тадбирларни амалга оширмоқда. Шу ўринда бу борада қабул қилинган махсус қонунлар ҳақида тўхталиш ўринлидир. Айтайлик, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун шулардан биридир. Ёшлар ҳақидаги қонунга биноан ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналишидир. Унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиш ва ҳимоя топишини таъминлаш, уларнинг ижодий иқтидорларидан имкони борича тўла-тўкис фойдаланиш ва ёшлар учун ҳамма шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Қонун умуман ёшларга тааллуқли бўлса-да, унинг айрим моддалари фақат вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тааллуқлидир. Буни вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ҳуқуқлари алоҳида муҳофаза қилинишида ҳам кўришимиз мумкин. Турли сабаблар, яъни оилада фарзандга нисбатан тўғри тарбия берилмаганлиги, боланинг кундалик ишлари билан қизиқмаслик, уни назоратсиз қолдириш, нопок шахсларнинг таъсири, отаонанинг спиртли ичимликларга берилиб кетиши, баъзи ўқув юртларида педагогларнинг ўз фаолиятини виждонан бажармаслиги оқибатида вояга етмаганлар ҳам ҳуқуқ бузилишларида иштирок этиб қолади. Бундай ҳолатларда амалдаги маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларимиз уларни қайта тарбия қилиш ва ҳуқуқбузилиш ҳолларининг сабаб ва шароитларини бартараф этишга қаратилган жазо турларини ўзида акс эттирган. Жумладан Меҳнат Кодексининг 246-моддаси талабига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 14-моддасига асосан вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатлари учун вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар, баъзи ҳолатлардагина умумий асосларда маъмурий жавобгарлик қўлланилиши қайд этилган.

Қонунларда қайд этилган бу асослар Конституциямиз талабига мос бўлиб, келажагимиз бўлган ёшларимизнинг ўз қилмишларига қаттиқ пушаймон бўлишларига ва ҳақиқатдан одил демократик ҳуқуқий жамиятда яшаётганликларини англаб етишга асос бўлади.

Келажак — ёшларники, улар қанчалик пок, соғлом, ўтмишни эъзозловчи, келажак сари интилувчан бўлсалар ҳамда қонунларимиз ижросини тўлиқ таъминласак шунчалик келажаги буюк давлатимиз кафолатланган, деб ҳисоблаймиз.

Рустамбек ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси котиби.

Тажриба, таҳлил ва таклиф

БОҒДОРЧИЛИКНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Боғдорчиликда, айниқса тупроқни ишлаш, юмшатиш, кўмиладиган зоналарда токни кесиш, шакл бериш, қўндоқлаш, профилактик дорилаш, қишга кўмиш, суғориш, боғларда қуриган, синган, касалланган ортиқча новдаларни кесиб ташлаш, боғни ўғитлаш, пуштасини юмшатиш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш, тупроқда намни етарли йиғиш каби тадбирлар келгуси йили гектаридан олинадиган ҳосилдорликни камида 30-35 фоизга кўпайтиради. Маҳсулот сифати, унинг стандартлик даражаси ҳам 35-40 фоиз юқори бўлади. Натижада шу соҳадан олинаётган даромад кескин ортади, соҳага сарфланган ҳар бир сўм камида 25-30 сўм соф фойда келтиради. Бу эса хўжаликнинг молиявий аҳволини яхшилайди, энг муҳими соҳага бўлган қизиқиш ортади.

Қиш ойлари юмшоқроқ ўтадиган зоналарда эса одатда ҳосилга кирган, совуққа чидамли олма, нок, беҳи ва олхўри каби мевали дарахтларни буташ, шакл бериш — муҳим иш.

Қишга кўмиладиган токзорларда токни кесишда ҳар бир тупда ўринбосар новдаларни танлаб қолдириш, шунингдек тупда 2-3 ёшли занглар бўлишини ҳам ҳисобга олиш керак.

Токни қишга кўмилмайдиган зоналарда эса асосан эрта баҳорда ток новдалари амал олмасдан аввал кесилади, заруриятга қараб тупга шакл берилади. Республикамизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларида қишга кўмилмайдиган токзорлар бор. Маълумки, ҳосилдор куртаклар совуқ 18-20 даражадан ошса кучли зарарланади. Бунинг олдини олиш учун ҳосил териб олингандан кейин ток занг ва новдалари симбағазлардан бўшатилиб, ерга тушириб қўйилади. Шунда қиш фаслида қалин қор тагида қолган новдалардаги куртаклар тўла сақланади. Шу билан бирга қалин қор қатлами ерга етқизилган занг ва новдаларни ҳам совуқдан сақлайди.

Маълумки, асосан мўл ҳосил берадиган боғ ва узумзорлар суғориладиган вилоятларда юқори ҳосил олиш учун улар суғорилиши керак, тупроқда керагича нам йиғиш керак, йиғилган намни сақлаш тадбирларини кўриб бориш зарур. Анор ва анжир ўғит моддаларига, вегетация даврида эса етарли намликка талабчан бўлади.

Анжир новдасининг ички қисми пўкак бўлади. Қиш ойларида тупроқда ортиқча намликни ёқтирмайди. Агар нам кўпайиб кетса, новдалар намликни кўп сингдириб олади, қаттиқ совуқда улар кучли музлайди ва зарарланиб, баҳорда кунлар исиши билан новдалар қорайиб, қурийди. Шунинг учун анор ва анжир тупларининг тагига қиш фаслида сув юбормаслик ва захлатишга йўл қўймаслик зарур.

Боғ ва токзорларда мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш ҳам катта аҳамиятга эга. Шунда камида 25-30 фоиз қўшимча, юқори сифатли ҳосил олинади.

Маълумки, мевали дарахтлар ва ток туплари кунлар совуши билан секин-аста тинчлик даврига ўтади. Аммо улардаги биологик жараёнлар бутунлай тўхтамайди. Жараёнлар жуда секин кечади. Шу сабабли келгуси йили мўл ҳосил олиш учун барча агротехник тадбирларни ҳозир ва қиш ойларининг иссиқ кунларида тўла ва сифатли ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамиз вилоятларида анор, анжир, хурмозор ҳам кўп. Қиши совуқ бўладиган вилоятларда уларни совуқдан сақлаш мақсадида экилган ёш кўчатлар ва 2-3 яшарли дарахтларнинг танаси ва йирик шохларининг асосий тирсак қисми шоли похоли билан тиғиз қилиб зич ўралади. Похол ўрами келгуси йил баҳор фаслида кунлар исиши билан олиб ташланади. Шоли похолларини бир ерга йиғиб қўйилса, кузда қайта фойдаланиш мумкин.

Субтропик ўсимликларни қирқиш ва уларга шакл бериш ишлари баҳорда тупни ердан кўтариб, очилгандан кейин ўтказилади. Хурмо кўчати ҳам баҳорда кесилади ва шакл берилади. Анжир туплари вақтида кўмилади. Совуқ таъсир қилса, ҳосил берадиган майда мевалари баҳорда тўкилиб кетади. Анжир тупларини ҳўл ҳолдаги хашакка кўмилмайди. Қуруқ хашак-қамиш билан кўмиш маъқул.

Бизнинг корпорациямиз ташкилотлари кўчатзорларида республика хўжаликлари, фермерлари ва ҳаваскор боғбонларининг талабларига тўлиқ жавоб берадиган бир-икки яшарли интенсив, эрта ҳосилга кирадиган олма, нок, беҳи, узум, анор, анжир, олхўри, гилос, олча, шафтоли, ёнғоқ, бодом каби мевали дарахт ва гул кўчатлари юртимизнинг ҳар бир иқлим, тупроқ шароитларига мослаштирилиб етиштирилган.

Юқорида қайд қилинган асосий агротехника тадбирлари вақтида, сифатли ўтказилса, сузсиз боғ-роғлар ва узумзорлар келгуси йили ҳам меҳнатимизга қараб мўл ҳосил беради. Хўжаликлар бу соҳадан катта даромад оладилар. Юртимизда маъмурчилик, арзончилик, серобчилик бўлади.

Маҳмуд МИРЗАЕВ,
Р. Р. Шредер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси раҳбари, академик.

Миллий иш майдони

УЧ МИЛЛИОНИНЧИ ПОРШЕНЬ

Одатда иш одамлари қилган меҳнатининг умумҳисобини ҳадеганда қилавермайдилар, чунки вақти етмайди. Улар учун шиор «меҳнат». Тошкентдаги «Новатор»да ҳам шундай.

— Фирма ўз фаолияти давомида қанча поршень ишлаб чиқарди? — сўрайман маҳсулотларни сотиш бўлими мудири ўринбосари Мирослав Ворошчукдан. У елка қисади:

— Дарвоқе, иш билан бўлиб ҳисоблаб ҳам кўрмабмиз-а. Маҳсулотинг бозорда «шовуллаб» кетиб тургандан кейин ҳисоблашга вақт ҳам тополмас экансан, — гуноҳкордек ийманиб жавоб беради. — Келинг, яхшиси биргалашиб ҳисоблаб кўрайлик.

У қоғозларни титкилашга тушиб кетади ва анча вақтдан сўнг:

— Ў,ҳў, қадамингизнинг кутлуғлигини қаранг, бугун роппа-роса уч миллионинчи поршенни ишлаб чиқарарканмиз, қойил, — деди Мирослав Ворошчук қувноқлик билан.

Ҳа, «Новатор» ишлаб чиқариш фирмасида ўзгача шукуҳ, кўтаринки кайфият ҳукмрон. Негаки, бу ерда юқорида айтганимиздек уч миллионинчи поршенга ҳам охирги ишлов берилиб, юқори сифат билан ишлаб чиқарилди. Демак, бу ҳаракатсиз ётган уч миллионта енгил автомобиль ва оғир юк ташувчи машиналар ҳаракатга келиши билан ўлчанади. Таъбир жоиз бўлса, республика иқтисодиётини янада бир поғона юқорига кўтарилгани билан ҳам менгзаш мумкин.

Ушбу фирма 1987 йили «Ўзметаллургсаноат» концерни қошидаги «Иккиламчи рангли металлар» ҳиссадорлик жамияти базасида ташкил этилиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган енгил ва юк автомобиллари учун «ВАЗ», «ГАЗ», «ЗИЛ» ва «УМПО» лойиҳалари асосида поршенлар ишлаб чиқаради. Фирма ўша пайтда кам қувват билан ишлаган бўлса, 1994 йилдан эътиборан янги технология асосида тўла қувват билан ишлай бошлади. Натижада кейинги икки йилда юқори меҳнат унумдорлигига эришилди. Сифат жиҳатдан ҳам энг мақбул мезонга кўтарилди.

— Буни айниқса, «ГАЗ» машиналари учун тайёрланаётган поршенларимиз сифати ва чидамлилиги билан бошқа заводларда чиқарилаётган поршенлардан ажралиб туришида кўриш мумкин. Яъни поршенларга аниқ ва тоза ишлов бериш ҳисобига двигатель қувватини орттирмоқдамиз, подшипник ва бошқа деталларнинг, поршень ва двигателни бирлаштирувчи деталь (шатун)

втулкасининг ейилиши камаймоқда, — дейди фирма директори Александр Матвеев. — Бундан ташқари, маҳсулотимизга «ВАЗ»да ташкил этилган кўргазма-синовларда муваффақиятли ўрин берилди ва натижада «Новатор» маҳсулотларини «ВАЗ» ўз конвейерига қабул қилди. Энди «ВАЗ» автомобиллари бизнинг поршенларимиз билан чиқарилмоқда.

Фирманинг қисқа муддатда бунчалик катта эътибор қозонишида Одил Иброҳимов, Дмитрий Конков, Оксана Пяткова, Сергей Гришин, Бахтиёр Зокиров, Евгений Кровцов, Валерий Норбоев сингари қўли гул мутахассисларнинг меҳнати катта албатта.

«Новатор»да шунингдек, «ПЭТВ-2» маркали мис билан сирланган симлар чулғами ҳам ишлаб чиқарилади. Бу симлар техник талаблар даражасидан 30 фоиз юқори сифатда тайёрланмоқда. Масалан, 1,32 диаметрда тайёрланаётган симлар 11000 вольт кучланишга чидайди. Қайишқоқлиги — 0,3 диаметргача. Маҳсулотлар учун хом ашё МДҲ мамлакатларидан келтирилади ва тайёр маҳсулотларнинг республика эҳтиёжидан ортиқчаси яна МДҲга, аниқроғи, Беларусь, Украина, Қозоғистон ва Россияга сотилади.

— Кўз тегмасин, фаолиятимизни бошлаганимиздан бери мижозларимиз ҳали бирор марта норозилик даъволари билан мурожаат этишмади, — дейди Мирослав Ворошчук. — Шунинг учун маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кенгайтирмоқдамиз, яъни бир кунда 3000 тадан ортиқ поршень тайёрланмоқда.

Маҳсулот турлари эса бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда белгиланяпти. Фирманинг узоқ муддатга мўлжалланган дастурида яна бозоргир маҳсулотлар тайёрлаш ва мижозлар доирасини кенгайтириш кўзда тутилган. Ҳозир Беларусь Республикасида ва Бошқирдистонда фирма вакиллиги фаолият кўрсатмоқда. Кейинчалик эса дилер ва дистрибьюторларимизга, шунингдек, харидорларга қулайлик яратиш мақсадида Россия, Қозоғистон ва Украинада ҳам ўз вакилларимиз фаолият кўрсатиши режалаштирилган, қисқаси, иқтисодий «зона»ни янада кенгайтирамиз.

Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқишида, дунё миқёсида танилиши ва тан олинишида шу сингари фирмаларнинг ҳам улуши бор албатта. Мана яқинда «ВАЗ» мутахассислари Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида чиқарилаётган «Нексия»нинг ўзлари ишлаб чиқараётган «Жигули»дан техник жиҳатларга кўра бир неча баробар устун эканлигини тан олишди. «Новатор» поршенлари эса уларга яхши таниш. Демак, Ўзбекистон мутахассислари дунёни лол қолдирмоқда.

Алимкул СУЛТОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хушхабарлар

БИЗНЕС-СЕМИНАР

СИРДАРЁ. *Бизнес марказида вилоят бошқарув органларини қўллаб-қувватлашга бағишланган уч кунлик йиғилиш бўлди. Вилоят, шаҳар ҳокимликлари қатори нуфузли халқаро ташкилот вакиллари ҳам қизиқарли маърузалар қилишди. Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасига техник ҳамкорлик дастурий лойиҳаси директори Доменик де Прогнов, Европа Иттифоқи вакили Пьер Шрайбер ҳамда Францияннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ж. Миллер ҳам шу ерда ҳозир бўлдилар.*

Абдужалил УМАРОВ.

ҚИШЛОҚ АҲЛИ МАМНУН

БУХОРО. *Вобкентдаги Рўзи Ғусенов номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Халач тиббиёт марказида аҳолига намунали хизмат кўрсатиш бошланди. Энди ҳамқишлоқлар туман марказига бориб юрмайдиган бўлишди. Шу ернинг ўзида шифо топмоқдалар. Т. Элназаров хусусий фирмаси жамоаси эса савобли ишга қўл урди. Бухоро туманидаги бу фирма вилоят қон-томир касалликлари шифохонасига 100 килограмм ёғ инъом этди.*

Даврон БАҲРОНОВ.

КУЗ.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

ИСЛОҲОТЛАР ТАҚДИРИ — ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг мавжуд мураккабликларига қарамай Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлида катта муваффақиятларга эришмоқда. Бунга пойтахтдаги «Ўзэлектрасбобсавдо» ҳиссадорлик жамияти фаолияти ёрқин мисолдир. Бош менежер Козим ШОҲАСАНОВ мухбиримиз билан суҳбатда корхонада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва унинг натижалари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Корхонамиз бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда янгича ишлашга ўтди.

Ўтган йили корхонанинг 24 миллион сўм пули бўлса, бугунги кунда у 80 миллион сўмга етди. Ҳиссадорлар йилнинг ҳар чорагида ўз акцияларига 50-70 фоиз миқдорида фойда олишяпти. Маҳсулотларни вақтидан ортиқ сақлаб туришдан воз кечилди. Бўшаган омборлар ижарага берилмоқда. Корхона қошида низом сармояси 3 миллион сўм бўлган, хўжалик ҳисобидаги янги шўъба корхона ташкил этилди. Ҳозир унинг хусусий мулки ҳажми 8 миллион сўмга етди. Литвалик ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилган қўшма корхона ҳам иш бошлади.

Халқ хўжалиги учун зарур барча маҳсулотлар савдосини ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Савдони тезлаштиришдаги яна бир омил — бу савдога қўйиладиган устаманинг 25 фоизлигидан воз кечиш бўлди. Давлат бюджетидаги корхоналар, мактаблар, боғчалар ва тиббиёт муассасаларига 10 фоиз устама билан, шунингдек кўп миқдорда маҳсулот сотиб олувчи харидорларга ҳам шундай нархларда маҳсулот сотиш йўлга қўйилди. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида майдони 800 квадрат метрлик кўргазмалар зали қайтадан ташкил этилди. Биздаги мавжуд барча маҳсулотлар намуналари унда намойиш этилмоқда. Зеро, бозор иқтисодиётида маҳсулотларни харидорларга кўрсата билиш ҳам ҳозирги кун талабидир.

Алишер РЎЗИЕВ.

Партия ахбороти

Маслаҳатлашиб олишди

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашида туман кенгашлари аппарати масъул ходимларининг семинар-кенгаши бўлди. Унда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Л. Ғуломов «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятлари Кенгаши сессияларида сўзлаган нутқлари асосида Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Семинар-кенгаш давомида маърузачи ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга, ташкилий-партиявий ва мафкуравий ишларни такомиллаштиришга дахлдор кўп саволларга жавоб қайтарди. Шунингдек, Олий Мажлиснинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш қўмитаси фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

Семинар-кенгашда сўзга чиққан шаҳар кенгаши котиби В. Медведев туман кенгашларининг шу кечакундузда амалга оширишлари лозим бўлган вазифалар устида тўхталди.

Сергей ШАЙТАРОВ.

Ҳукм ўқилди

ОҚ ХАЛАТЛИ ҚОРА ЮРАК

«Дунё мен учун зимистон эди. Бу қоронғуликни янада қуюқлаштириш шартмиди?»

Бу сўзлар ожиз кўзларига шифо истаб бориб, аксинча, даволаниш масканидан ўз дардига қўшимча дард орттирган бир ожизанинг ноласи. Бу бокира қизнинг қисмати оғирлиги — кўзлари ожизлиги етмагандай, уни баттар хўрлаш Бўрибойга нима учун керак бўлиб қолди?

Воқеа шундай бўлган эди. 1-гуруҳ ногирони, ожиза дардига малҳам излаб Республика кўз касалликлари шифохонасига келди. Дастлаб омади чопиб, яхши даволашлар натижасида кўзи анча шифо топди. Бироқ унинг севинчи узоққа чўзилмади. Мана шу масканда унинг бошига бошқа бир бебахтлик тушиб, кўзларига энди дунё буткул зимистон бўлди...

Ўша куни палатасида ўтирган беморнинг олдига ҳамшира аёл кириб: «Навбатчи врач топшириқ берди. Уйингиздагилар телефон қилиб, бугун сизга жавоб беришларини сўрашибди. Улар келгунга қадар қабулхонага тушиб тураркансиз».

Шундай дея у касални кеч соат 21 да пастга олиб тушади ва навбатчи врач ҳузурида қолдиради.

Аёлнинг гапига рўй-рост ишонган бемор шифокор хонасида уйдагилари келиб, олиб кетишларини кута бошлайди.

Ҳамхоналари ҳам унинг уйга кетганига ишонишади. Аслида эса бу врач Бўрибойнинг илгаридан пухта ўйлаб қўйилган режаси эди. Бўрибой ниятини амалга ошириш мақсадида касални секин гапга солади. Даволаш қандай кетаётганини сўрайди. Хуллас, шунга ўхшаш гаплар билан вақтни чўзади. Вақт ўтиб бораётгани, қариндошлари келмаганидан хавотирланган қиз безовталана бошлайди. Аммо ожизлиги боис хонадан унинг бир ўзи чиқиб кетолмасди...

Ўша тун, ўша оқшом у Бўрибойнинг қўлида хазон бўлди. Эрталаб Бўрибой беморни хонасига кузатиб, чиқариб қўяркан, унга: «Бирор кимсага бу ҳақда айтсанг, ўзингга ҳам, оила аъзоларингга ҳам қийин бўлади», дейди таҳдид билан.

Номуси топталган бечора бир неча кун юз тубан тушиб ётди. Дўхтирлар ҳам ҳайрон, унинг дардини излаб тополмасди. Шу тариқа у азоб чекарди, лекин ҳеч кимга оғиз очолмай, шифохонадан ўз хоҳиши билан чиқиб кетади.

Ахир у қандай қилиб айтсин. Бир кечада хазон бўлган номусини. Шунча йил асрагани — иффати, орзу ниятлари чилпарчин бўлганини қандай айтсин. Нажот истаб борган халоскоридан жафо тортсая!

Устига-устак вақт ўтиб, ҳомиладорлиги ҳам сезилиб қоляпти. Ўйлаб-ўйлаб охири бу мудҳиш воқеани синглиси синглисига айтади. Сингил уни аёллар шифокорига олиб борганда, ҳақиқатан ҳам ҳомиласи борлиги аниқланади. Бу хабарни синглисидан эшитган Бўрибой ёрдам бераман, деб уни тинчлантиради.

Аксига олиб унинг аҳволи кундан-кун оғирлаша бошлади. Шифокорлар бояқишнинг ҳаётини асраб қолиш учун бирдан-бир чора — болани ва у билан бирга бачадонни олиб ташлайдилар. Бутун келажаги, соғлиғи, оналик бахтидан маҳрум бўлган инсонни қалбидаги алам, тавқилаънат суд эшиклари томон етаклади. Ахир гуноҳи не эди унинг? У ҳам одамларга ўхшаб оилали бўлишни, ширин-шакар фарзандлар кўришни уззу кун орзу қиларди-ку!

Суд жараёнида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган санитарка Қурбонова ўша куни навбатчи врач Бўрибой унга «беморнинг уйидан қўнғироқ бўлди» деганини, уни врач қабулхонасига туширганлигини тасдиқлайди. Шифохона бош врачи синглисининг шикоятидан сўнг Бўрибойни жамоа муҳокамасига қўйган пайтларида «йигит кишининг ишини содир этдим» деганини айтади.

Судланувчининг жиноий ҳаракати Собир Раҳимов тумани судида тўлиқ ўрганилиб, якунланди. Жиноятчи озодликдан маҳрум этилди.

Биз шу ерда бир нарсага эътиборни қаратмоқчимиз. Бўрибой шифокор деган номга доғ тушириб, Гиппократ қасамини бузди. Бу айби учун у қонун олдида жазосини олди. Лекин ҳаёти, умри, виждони олдидаги жазога бардош бера олармикин?..

Мухтор ЗОИРОВ,
Собир Раҳимов тумани прокурори муовини.

«Обуна — 97»

ЭЛЛИК ОИЛА БЕПУЛ ГАЗЕТА ОЛАДИ

Узоқ йиллик тарихга эга бўлган газетанинг ўз муштарийлари борлиги табиий. Бу йил ҳам «Ўзбекистон овози» учун биринчилар қатори обуна бўлдим.

2-3 йилдирки, «Умид» хусусий корхонасига бошчилик қиляпман. 4-5 та дукон бор. Қовун қоқи ишлаб чиқариш цехи ишлаб турибди. Йил охиригача қуввати бир миллион шартли банка сабзавот консерваси тайёрлаш цехи ҳам қурилиб битказилади. Олаётган даромад ҳисобидан тумандаги уруш ва меҳнат фахрийлари ва кам таъминланган оилалардан эллик кишини «Ўзбекистон овози» газетасига обуна қиламиз.

Ҳожибой РЕИМБОЕВ,
Нукус туманидаги «Умид» хусусий корхонаси раҳбари.

Миллат ва маънавият

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ — ИШ МЕЗОНИМИЗ

Дунёга машҳур бобомиз Амир Темур ўз ақли-иродаси билан барпо этган Моваройннаҳр давлати нафақат сиёсий, ҳарбий, иқтисодий жиҳатдан қудратли, балки маърифат ва маданият жабҳасида ҳам Уйғониш— Ренесанснинг маркази эди. Амир Темур ва Темурийлар хукмронлиги йилларида моддий ва маънавий маданият, шаҳарсозлик, мусиқа қаторида китобат санъати ҳам янгича ривожланиш босқичига кирди. Бир неча хаттотлик ва миниатюра мактаблари фаолият кўрсатиб, китоб тайёрлашда оҳори тўкилмаган анъаналар шакилланган, турли-туман ёзишмалар, қайдлар, солномалар ёзиб бориш туфайли юзага келган эҳтиёждан муншийлик бообрў касбга айланган, улкан салтанатнинг дунёнинг қолган қисми билан алоқасида улар бевосита иштирок этганди. Қолаверса, Соҳибқироннинг ўзлари ҳам нозиктаъб ва зукко муаллиф бўлганлар. Етти йиллик юришда ҳалок бўлган Жаҳонгир Мирзо деган ўғиллари ҳам қилқалам хаттот эди. Хуллас, жаҳон тарихи ва маданиятига кейинчалик Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари ўнлаб тафаккур ва қалам соҳибларини берган сулола тарихида китоб алоҳида ўрин тутарди.

Хўш, концернимиз нашриларини матбаачилари Соҳибқиродан мерос нозик китоб санъатини қай йўсинда асраб-авайлаб, соҳа мулки қаторига қандай янги қадриятларни қўшмоқдалар? Умуман, миллатимизнинг оламшумул тўйига қандай совғалар билан келдилар?

Бу санага ҳозирлигимиз иккиуч йил олдин бошланган эди. Чунончи улуғ давлат арбоби ва аллома Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллигига бағишлаб шоир Хуршид Давроннинг «Соҳибқирон набираси» деган тарихий бадиалар тўплами чоп этилган эди. Кейинчалик архитектура фанлари доктори Пўлат Зоҳидовнинг «Темур даврининг меъморий Каҳкашони» альбом-тадқиқоти уч — ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этилди. Жорий йилнинг деворий тақвими, табиийки, улуғ аждодимизнинг рассом Малик Набиев яратган сиймоси ва Соҳибқироннинг васиятидан парча матни билан безатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра 1996 йил — Амир Темур йили деб эълон қилиниши, муҳтарам Юртбошимизнинг халқимиз тарихига алоҳида эътибор билан қараётгани, биз матбаачиларнинг кучига-куч, бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб юборди. Айни кўтаринки меҳнат кайфиятини бақувват ва замонавий матбаачилик негизисиз тасаввур қилиш мушкул, албатта. Концернда илғор матбаа техника-технологияси мавжудлиги, ижодий меҳнат мукаммал ташкил этилганлиги, қатъий интизом ва жамоа ҳамжиҳатлиги туфайли жорий йил бошидан Соҳибқиронга бағишланган, Ўзбекистонни, шу жумладан «Шарқ»ни бутун дунёга танитадиган китоблар нашр этишга қизғин киришдик. Апрель ойида Франция пойтахти Парижда, ЮНЕСКО қароргоҳида Амир Темурнинг 660 йиллиги тантаналари расман бошланган, «Шарқ» эса унда Санъатшунослик институти томонидан тайёрланган ва босмахонамизда чоп этилган «Темурийлар даври Ренесанси» альбоми ва каталог ҳамда Бош таҳририят ҳозирлаган «Темур даврининг меъморий Каҳкашони» альбоми билан қатнашди. Парижга Ўзбекистон номидан борган китобларимиз, қисқа вақт ичида кийин матбаа ижроси билан чоп этилди, дунё олдида юртимизнинг юзини намоён этди. Соҳибқирон ҳақида ёзилган бу ноёб китоб турли тилларда юбилей кунлари меҳмонларга совға этилиб, дунёга тарқатилди.

«Шарқ» Марказий Осиёда энг йирик матбаачилик ва ноширчилик мажмуаи бўлиши билан бирга, собит анъаналарга ҳам эга маърифат даргоҳидир. Биз, дунё матбаачилик саноатининг энг ноёб машиналари билан қуролланиб борарканмиз, ҳар бир буюртмани ижро этиш асосида мутаносиб ва мустақил технологиялар ва анъаналарни шакллантирдик. Айтайлик, буюртмага кўра альбом нашр этиш нечоғли оғир ва меҳнатталаб жараён бўлмасин, дунёдаги тараққий этган фирмалар тажрибасидан фойдаланиб, билмаганимизни ўргандик, айни пайтда ўзимиз яратишимиз мумкин ва муқаррар ишни — бутун масъулиятни зиммага олдик.

Соҳибқироннинг 660 йилик тўйига матбаачилик тўҳфалари жуда катта меҳнат самараси бўлиб, байрам арафасида бирваракайига уч кўркам, ўзбек матбаачилигида муҳим босқич бўладиган китоб-альбом ҳақида алоҳида тўхталиш ўринлидир. Китоб — «Амир Темур жаҳон тарихида» деб номланади, ўзбек, инглиз, рус тилларида босмадан чиқди. Ижодий гуруҳ мазкур мўътабар нашрни тайёрлашга алоҳида масъулият билан ёндашиб, матнларни октябрь ойининг биринчи ўн кунлигига тайёрлаб улгурди. Матн тайёр бўлишини кутиб ўтирмай, ишнинг кўзини билиб, рангли лавҳаларни олдиндан чоп этиб қўйганимиз қўл келди. Масала ҳар бир китобни ниҳоятда қисқа фурсатларда сифатли чоп этишда қолганди. Пировардида, тўй арафасида барча китоблар белгиланган ададда чоп этилди.

Бунда ҳеч қандай сир йўқ. Ишлаб чиқариш ва ижодий жараённи уйғунликда ташкил этиш, мураккаб ва масъулиятли ижро товарагида жамоани уюштириш эришилган меҳнат ютуғининг тамал тоши бўлди. Ўзбек матбаачилигининг истиқлол йилларида орттирган тажрибалари яна бир бор синовдан ўтди. Айниқса, концернда китоблар матнини теришнинг компьютерлашуви ҳал қилувчи омил бўлди. Биз ушбу китобларни нашр этиш даврида, қўлланган тажрибалар асосида тезкор технологиянинг янги дастурини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этдик. Эндиликда журналлар энг узоғи билан бир ойда, китоблар эса 45-60 кунда чоп этиладиган бўлди. Журнал таҳририятлари билан корректура алмашлашга чек қўйдик. Энди бу ишни бошдан-охир нашриёт мусаҳҳиҳлари амалга оширишади. Демак, корректура таҳририятларда ушланиб қолмайди. Китоблар ноширчилигида ҳам шу усулни юргизамиз.

Бу тадбирни амалга ошириш натижасида ноширчиликда янги тизим яратдик. Эндиликда йиллар давомида эмас, узоғи билан икки ой давомида ҳар қандай мураккаб, йирик ададли китобларни юқори сифатда чиқара оламиз. Бу янгилик буюртмачига ҳам, бизга ҳам, айниқса ўқувчига сезиларли фойда келтиради, албатта.

Янги тизимнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, илгари китоблар босмахонада ойлаб ётар, натижада унга сарфланган маблағ ўз қадрини йўқотар, китоб чиққач эса у иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламас эди. Энди эса буюртмачи 1 ёки 2 ойга банклардан кредитга пул олиши, бу пулни китобнинг қоғоз ва бошқа харажатлари учун нашриётга ўтказиши ҳамда қисқа фурсатда тайёр маҳсулотни олиб, ўз харажатларини қоплаб, дурустгина фойда кўриши ҳам мумкин.

Ўрни келганда мен идора ва ташкилот раҳбарларига, вазирлик ва ҳокимлик мутасаддиларига деманоқчиман: ўз вилоятингиз, корхонангиз ё туманингизга бағишлаб китоблар чоп этмоқчи бўлсангиз, умуман ўзингизга зарур китобларни, альбомларни, каталогларни нашр қилмоқчи бўлсангиз, биз сизга хизмат кўрсатишдан мамнунмиз. Шу мақсадларда корхонамиз ёнида — «Правда Востока» кўчасида махсус тезкор хизмат шохобчаси очилди. Унга буюртмачилар келиб энг оддий — тўйларга таклифномалару ташриф қоғозларидан тортиб, мураккаб ва нозик ишлов талаб этадиган қимматли қоғозлар, акциялар, сертификатлар, дипломлар, шаҳодатномалар, гувоҳномалар, турли китобларни чоп эттиришлари мумкин. Бирор китоб яратмоқчи бўлсангиз, Бош таҳририятимизнинг тажрибали муҳаррирлари, мусаввирлари, техник ва бадиий муҳаррирлари ниятингизни сиз ўйлагандай адо этиб берадилар. Махсус салонимиздаги маҳоратли суратчилар ана шу китоб, каталог ёки буклетда акс этиши лозим бўлган асарларни юксак сифатли ва нозик дид билан тайёрлаб берадилар. Хуллас, буюртмачиларни сарсон бўлишига йўл қўймаймиз. Улар бир марта келиб ўз муддаоларини изҳор этсалар, бас, қисқа вақт ўтиб тайёр маҳсулотни олиб кетадилар. Бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, қайси мақомда бўлишдан қатъий назар, исталган ҳамкоримизнинг буюртмасини ўз вақтида бажариш, белгиланган муддатда матбаачиликнинг асосий талабларининг ижросини таъминлашимиз иқтисодий, табийки, маънавий ютуқларнинг кафолати бўла олади. Маънавият эса китобдан бошланади.

Маънавий ютуқлар хусусида гап кетганда мен яна китоб ҳақида, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, китоб савдоси борасида сўз юритмоқчи эдим. Гап шундаки, ҳозирги кунда китоб савдоси унча яхши йўлга қўйилмаган. Соҳа тизимини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб қайта такомиллаштириш керак.

Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб баъзилар аввалги китоб дўконлари ўрнида тижорат масканлари очаётган бир пайтда биз кўркам, каттагина китоб дўкони очдик. Уни замонавий талаблар асосида безадик. Шундоқ корхонанинг биқинидаги бу маърифат гулшанига қадам ранжида қилсангиз, дилингиз яйрайди, руҳингиз поклангандай бўлади. Қолаверса шу ернинг ўзида кўтара китоб савдоси бўлимимиз ҳам бор. Вилоятларга олиб кетиш учун зарур китобларнинг барча ҳужжатлари улгуржи савдо ходимлари томонидан бир зумда расмийлаштириб берилади. Биз бу ерни азим ва гўзал Тошкентимизнинг энг гавжум, дид билан бунёд этилган файзли китоб савдоси марказига айлантирмоқчимиз. Мазкур эзгу иш нафис ва жозибали бўлишида ўз улушини қўшмоқчи бўлган санъаткорлар, адиблар ва китобсевар ҳамкасбларимизни ҳамкорликка чорлаймиз. Муайян эзгу ният билан қилинаётган ишларга кўпчилик билимдон ва ишбилармон кишилар бош қўшсалар, бундай ҳамжиҳатлик албатта ниятларимизнинг тезда рўёбга чиқишига ижобий омил бўлиши турган гап.

Ҳозир 1997 йил учун газета-журналлар обуна мавсуми кетаётгани учун бу борада ҳам икки оғиз гап. Маълумки обуначилар сони йил сайин камайиб бораяпти. Буни фақат иқтисодий аҳволга йўйиш ўнчалик тўғри бўлмаса керак. Очиғини айтганда, нашрларимиз бир қадар зерикарли бўлиб бормоқда. Ўқувчиларни ўзига ром этадиган мақолалар унча кўп эмас. Қолаверса, баъзан обуна нашрлари ўз вақтида етиб бормаяпти. Шунинг учун бу масалага тегишли идоралар ушбу муаммони бартараф этиш хусусида жиддий ўйлаб кўришлари лозим.

Ҳозирча эса, вазиятдан келиб чиқиб, асосий эътибор чакана савдога берилиши керак. Жойларда, узоқ туман ва қишлоқларда ҳам рўзномалар дўконлари очилса тўғри бўлади. Шу йўл билан:ина халқни маърифатдан, дунё янгиликларидан бохабар қилиш мумкин. Шу мақсадда биз ҳам китоб дўконимиз қошида газета-журнал сотиш шохобчасини очдик. Кундалик нашрлар эрта тонгдаёқ биринчи бўлиб шу дўконга чиқади. Эътиборли томони шундаки, бу ерда нархлар бошқа дўконлардагига нисбатан бирмунча арзон.

Корхонамиз режаларида ишлаб чиқариш кучлари ва иқтисодий омиллардан оқилона фойдаланиб, жорий йилда 500 миллион сўмликдан ортиқ босма маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ҳозиргача 379 миллион сўмлик босма маҳсулот чиқардик, буни албатта иқтисодий ютуқларимиз, бор имкониятлардан оқилона фойдаланганимиз самараси десак тўғри бўлади. Маънавий ютуқларимиз хусусида тўхталадиган бўлсам, бир қувончли воқеани айтиб ўтишим керак. Мальта давлатида бозор иқтисодиёти шароитида қўлга киритилган ютуқлари учун бериладиган халқаро «Эртс-мейкер» дастурининг йиллик мукофоти ҳайъати матбаачилик технологияси ва матбаа ижросини такомиллаштиришга қўшган ҳиссамиз учун концернимизни эсдалик медали билан тақдирлади. Шу қатори ушбу сатрлар муаллифига корхонани бошқарув соҳасидаги ютуқлар учун махсус нишон топширилди. Қувонарлиси шундаки, истиқлол йилларида корхонамизда амалга оширилган ижобий ишлар, бой тажрибамиз, соҳадаги нуфузли кашфиётларимиз дунё миқёсида эътироф этилмоқда, шу сабабли бундан буён қисқа фурсатда гўзал матбаа ижроси даражасида чоп этилган китоблар, каталоглар ва бошқа босма маҳсулотлар буюртмачилар ва истеъмолчилар орасида нуфузимизни сақлайди, янгидан-янги имкониятларимизни кашф этади, деб баралла айтишимизга ўринли асослар мавжуд.

1996 йил — Амир Темур йили тугаётган бўлса-да, бу мавзуга эътибор асло сусаймайди. Соҳибқирон Амир Темур тўйи билан боғлиқ ишлар давом этмоқда: Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сининг 1516 йилда Шайх Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий томонидан бажарилган таржимасини яқин кунларда кўркам китоб тарзида чоп этамиз. Шундан сўнг Соҳибқиродан мерос ота маконимизнинг икки қадимий шаҳри — Бухоро ва Хеванинг ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ҳукумати ҳамкорлигида ўтказиладиган 2500 йиллик қўшалоқ тўйи билан боғлиқ бўлган нафис нашрларга киришамиз. Дарвоқе, ҳар иккала шаҳар обидалари суврати туширилган 1997-1998 йиллар деворий тақвими ҳам яқин фурсатда савдога чиқарилади. Булар улуғ тўйлар билан уйғун ишларимиз сирасига киради. Турли ёшларга мансуб газетхон ва китобхонлар, муҳими, ёш авлод биз ҳар куни чоп этаётган турли-туман газеталар, журналлар, китоблар, дарсликлардан беминнат фойдаланмоқдалар. Айни пайтда қиладиган ишларимиз кўп. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мактаб дарсликларини лотин имлосида чоп этишга киришдик. Бошланғич мактабларнинг биринчи синфи учун мўлжалланган «Иқтисод алифбоси» дарслиги «Шарқ»да лотин имлосида чоп этилган биринчи китоб бўлди. У ҳам яқин кунларда босмадан чиқарилиб, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги таъминот бошқармаси томонидан мактабларга тезлик билан тарқатилади.

Бугун шуни алоҳида мамуният билан таъкидлаш мумкинки, ўзбек матбаачилиги Истиқлол шарофатидан янгича ривожланиш босқичига, юксалиш палласига кирди. Чунки она-Ватанимизнинг ҳам қадди ростланиб, мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг дастлабки ютуқлари бўй кўрсатаётир. Матбаачилик, ноширчилик ишлари, китоб санъати эса юртдаги барча жараёнларнинг ўзига хос кўзгуси, мезони, муҳридир. Ана шу умидбахш ўзгаришлар, режалар бизни янгидан-янги ютуқларга ундайверади, биз эса белни боғлаб, мустақилликни мустаҳкамлаб, элимиз, юртимизга жон деб хизмат қилаверамиз. Зеро, матбаа маҳсули китоб, маърифат, маданият билим ўчоғидир.

Ислом ШОҒУЛОМОВ,
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош директори.

ШАВКАТ РАҲМОНННИНГ АНОРИ

Хотира азиздир

Куни-кеча тўй-маъракаларда ёнингда турган дўст ҳақида, ҳамфикр, ҳаммаслак қадрдонинг ҳақида бугун хотира сўзлаш жуда-жуда оғир. Водариг, дегинг келади. Наҳотки, ўлим шунчалар бешафқат бўлса?!

Шавкат Раҳмон ҳаётини ҳам, ижодини ҳам имон, эътиқод асосига қурган пок, фавқулодда истеъдодли йигит эди.

Одатда ижодкорнинг илк машқлари, илк китобига аяброқ баҳо беришади. Шавкат Раҳмоннинг бундан ўн беш йилларча муқаддам чоп этилган «Рангин лаҳзалар» деган биринчи шеърий тўпламини қайта варақлаб чиқиб, аяшга муҳтож бирорта ҳам шеър топа олмадим. Уларнинг барчаси яхлит, тугал сайқалланган шеърлар! Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло Шавкатга ёшлигиданоқ тийрак зеҳн, воқеа-ҳодисалар моҳиятини теран ҳис этиш, теран англаш, энг муҳими, кўрган-кечирганларини шоирона ифода эта билиш қобилиятини ато этганди.

Шавкат Раҳмон шеърдан шеърга, китобдан китобга ўсган шоир. Унинг «қизил империя» инқирози арафасида тўлиб-тошиб ёзган шеърлари, хусусан, ноаҳиллик туфайли икки дарё оралигида сарсон-саргардон бўлган бобурийлар қисмати ҳақидаги огоҳлантирувчи шеъри безовта руҳнинг безовта суратларидир.

Умуман, Шавкат Раҳмон шеъриятида фожеона оҳанглар, фожеона ранглар ҳамиша устувор бўлган. Увайсийнинг анор ҳақидаги чистон шеърини ҳаммамиз яхши биламиз. Увайсий анор доналарини «туйнугидан нишон йўқ гумбаз ичида қолган бағри қон қизлар»га муқояса этган. Орадан бир асрдан ортиқроқ вақт ўтиб, устоз Абдулла Орипов ҳам худди шу мавзуга мурожаат қилади:

Бир неъмат бўлсин деб, танда жонни ҳам
Анор донасига жойлаган жонсан.

Увайсийда анор ожизалик, мазлумлик тимсоли.

Абдулла Ориповда фидойи халқнинг характери чизилган.

Шавкат Раҳмоннинг 80-йилларда ёзилган «Анор» шеърида мазкур мажоз бутунлай бошқача талқин топади. У миллий тафаккур уйғонишу, ўзлигини таниш, кураш, қаршилик кўрсатиш тимсолига айланган.

Ернинг қонли муштисан, анор! — дейди шоир.

Шавкат Раҳмон ҳақида, у ватанини севарди, дейиш камлик қилади. У ватанини ички бир қизғаниш, маъюс меҳр билан, муҳаббат билан севарди! Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган кунлар дўстининг болаларидай қувониб, айтиш мумкинки, девона бўлиб юргани кечагидай ёдимда. У менга кун ора қўнгироқ қилиб, нима гап, оғайни, хушхабар борми, бирор давлат бизни тан олдими, деб қайта-қайта сўрарди. «Эл» халқаро уюшмаси раисининг котиби бўлиб ишлаётган Шавкат ўша кунлар талай мақолалар ёзди. Унинг чет элда яшаётган ватандошларимиз фикри жамланган бир мақоласида: «Она Ватанимизнинг истиқлолга эришганини эшитиб бошимиз осмонга етди, қувончдан елкамизга елка қўйиб ҳўнг-ҳўнг йигладик» деган сўзлар бор. Аминманки, бу билан Шавкат ўзининг кўнглидаги гапларни ҳам ифодалаган.

Шавкат Раҳмон бир шеърида ўжарлигини мардона тан олади. Яъни: «Шавкат Раҳмон деган ўжар бир шоир...» Шавкатнинг ўжарлиги шунда эдики, у ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ўта талабчан эди. Ҳаётга, одамлар тақдирига лоқайд қарай олмас, иймон-эътиқодга, ахлоққа зид ҳар қандай хатти-ҳаракатдан нафратланарди. Дунёнинг номукаммаллигидан, одам боласининг нокомиллигидан кўп куяр, паришон, руҳсиз юрарди. Мен унинг шарақлаб кулганини эшитмаганман. Давраларда, ўзаро гурунгларда чиройли лутфлар, ҳазил-мутойбалар бўлиши табиий. Шавкат ўшанда ҳам мийигида кулиб қўяр, шу феъли туфайли «мийиг» деган лақаб ҳам орттирган эди. Ижодкор ҳудбинлиги деган гап бор. Шавкатнинг ҳудбинлиги шеъридан нарига ўтмас, дўстлари, ёру-биродарлари, фарзандларини ноўрин ранжитмасди.

Ўтган йилнинг кузида, худди мана шу кунлар Шавкатни кўргани кўкрак жарроҳлиги институтига бордик. Ҳазилкаш дўстларимиздан бири Шавкатни ётган жойида бағрига босиб:

— Ҳа, тақсир, намунча ялпайиб ётиб олдингиз. Туринг-э, уят бўлади... У ёқда илҳом парилари, Шавкатхон окамла қачон келадилар, деб соч юлишяпти, — деди.

Даб-дурустдан айтилган бу гапдан Шавкат довдираб юзига одеялни тортиб олди.

— Ҳазилинг қурсин, — деди одеял остидан бўғилиб, — Қўй бу гапларни, қўй... Манзура эшитса хафа бўлади...

Катта шоир Шавкат Раҳмоннинг кичкина орзуси бор эди. Орзуси шу эдики, шаҳри азим Тошкентда кафтдеккина ҳовлиси бўлса, ёзнинг ойдин кечаларида райҳону жамбилларга сув сепиб, чорпояда осмонга қараб ётса...

Умрининг сўнгги кунларида дўстим ана шу орзусига етгандай бўлди: Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмондаги ижод уйидан унга чоғроққина чорбоғ беришди. Бетоблигига қарамай, ўзини уринтириб бўлса ҳам у фарзандлари билан қаровсиз боғни обод қилди. Қувур сўриларга кўтарилган токлар ҳамиша саранжом-саришта, ичкарига кираверишдаги асфальт йўлакнинг ҳар икки томони дарвозадан уй остонагача ранго-ранг гулларга бурканиб ётарди. Шавкатнинг табиат яратган буюк мўъжиза — гулларга ўзгача, эркакча, мардона муҳаббати бор эди. Ана шу кайфиятини у бир шеърида жуда чиройли ифодалаган. Гулларнинг иффатини асрайман деб, ҳар кеча гулзор ичига пичоқ қўйиб чиқардим, дейди у.

Тақдир мени Шавкат билан чорбоғ қўшни бўлиш бахтига муяссар этди. Орамизда фақат битта сим тўсиқ бор эди. Саратон исканжасида саратондай қовурилаётган шоир, дарди бедаво билан мардона олишиб, сўнгги дақиқаларигача ҳаётдан умидини узмади. Худо хоҳласа, қишни ҳам чорбоғда ўтказаман, кетманг, сиз ҳам қолинг, дерди у менга боладай жовдираб.

... Куз келгач боғ анча ҳувиллаб қоларкан, кечалари чинорлар ваҳимали гувиллайди, аллақаёқлардан бойқуш ноласи шуурингга заҳардай лаҳза-лаҳза томиб, этни жунжиктиради. Ҳамма ёқ жим-жит, фақат ўқтин-ўқтин Шавкатнинг йўталгани эшитилади. Сўнгги имкони — йўтали билан у фарзандлари, дўстлари фароғатини қуриқлаб, тунга дўқ ураётгандай, йўталгани йўталган, йўталгани йўталган.

... Кеча қорунгуликка узоқ тикилиб юрагим сиқилди. Нимадир етишмаётгандай бўлди. Шавкатнинг йўталига ўрганиб қолган эканман.

Қутсиз тунлар сукутини буз,
Ваҳмларнинг кўзини ўйгин.
Йироқлардан бўлса ҳам, эй дўст,
«Мен борман!» деб, йўталиб қўйгин!

Шавкат Раҳмон ўз шеърияти билан она тилимизнинг ботиний қуввати, жозибаси нақадар кенглигини исботлаб кетди. Сўз қадрини оширган, унга абадий ҳаёт бағишлаган ижодкорнинг умри ҳам боқийдир.

Муҳаммад РАҲМОН.

Спорт

АМИРЛИКЛАР ҲАВОСИНИ ОЛИБ

Бош терма жамоамиз футболчилари Бирлашган Араб амирликларига қилган сафардан қайтдилар. Маълумки, бу мамлакатда Осиё кубоги учун финал учрашувларига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Футболчиларимиз устози Баҳодир Иброҳимов 25 нафар футболчидан асосий жамоа аъзоларини саралаш учун йигитларни халқаро ўртоқлик учрашувларида синовдан ўтказишни ният қилганди. Мақсад — иккита учрашув ўтказиб, ғалабани таъминлаш эмас, балки амирликлар ҳавосига мослашиш ва ўзаро ўйинда имкониятларни чамалаб кўриш эди. Шу боисдан ҳам БАА терма жамоаси билан дастлабки ўйинда 4:2, такрорий учрашувда 2:0 ҳисобида имконият бой берилди. Боиси, кубок учун бошланадиган катта имтиҳон олдидан жамоа ўзига хос сирли бўлиб тургани яхши-да.

КУЧЛИЛАР САФИГА ҚЎШИЛДИЛАР

Самарқандда оғир атлетика бўйича ўтказилган мамлакат чемпионатида қарийб 90 нафар спортчи иштироқ этди. Вазнларига кўра Ғ. Ниёзов (Тахиатош) Р. Иброҳимов (Самарқанд), Б. Тоғаев (Бухоро), С. Мусаев (Чирчик), Д. Каримов (Тошкент), А. Ҳайдаров (Қўқон) каби атлетикачилар маҳорат кўрсатиб, ғолиблик супасига кўтарилишди. Мусобақада спортнинг мазкур тури бўйича кучли ёшлар камол топаётгани кўзга ташланади.

ЕР ЮЗИДАГИ ИШСИЗЛАР

ЖЕНЕВА. *Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) маълумотига қараганда ҳозирги даврда ер юзининг бир миллиардга яқин аҳолиси ишсиздир. Бу кўрсаткич жами ишчиларнинг 30 фоизини ташкил этади. Биргина Европа Иттифоқига аъзо давлатларда ўтган йилга қараганда ишсизлик 11,3 фоизга кўпайган. Бу ҳол Франция, Германия, Италия ва Швецияда кескин тус олмоқда.*

ҲАРБИЙ МАШҚЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

РИМ. *Венгрия ҳукумати мамлакат ҳудудида Италия ҳарбий кучлари билан биргаликда ҳарбий ўқув машқлари ўтказишга тайёр эканини билдирди. Италия мудофаа вазири Беньямин Андреатий ва Венгрия мудофаа вазири Дердем Келет ушбу ўқув машқини ўтказиш тўғрисидаги ҳукуматлараро шартномани имзоладилар.*

Италиялик кузатувчиларнинг фикрига кўра, ўтказилажак ҳарбий машқ Венгриянинг Шимолий Атлантика Иттифоқига кириши учун замин ҳозирламоғи мумкин. Чунки Венгрия биринчилардан бўлиб НАТОга кириш учун ўз номзодини қўйган мамлакатлар сирасига киради.

Б. Андреатий журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, «НАТОнинг Шарқий Европага қараб кенгайиши, ушбу минтақанинг хавфсизлигини таъминлашда асосий ўрин тутади», деди.

БОШ ВАЗИРЛАР ФИКР АЛМАШИШДИ

ПАРИЖ. Франция Бош вазири Ален Жоппе ва Россия Бош вазири Виктор Черномирдин ўртасида бўлиб ўтган суҳбатда Россиядаги вазият, НАТОнинг Шарқий Европага қараб кенгайиши ва Россия билан Шимолий Атлантика Иттифоқи алоқалари юзасидан фикр алмашинди.

ДЕКЛАРАЦИЯ ИМЗОЛАНДИ

РИГА. *Латвия, Литва ва Эстония мамлакатларининг Президентлари минтақавий муаммоларини биргаликда бартараф этиш ва НАТОга кириш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.*

ХАЛҚАРО КУЧЛАР КИРИТИЛМОҚДА

БРЮССЕЛЬ. *Европа Иттифоқи мамлакатлари Буюк Африка кўли ҳудудига халқаро кучларни кирита бошлади. Бунга фақат Буюк Британия ҳукумати қўшилмай турибди. Бироқ, Британия ташқи ишлар вазири Малколм Рифкиннинг таъкидлашича, аслида Лондон халқаро кучлар миссиясига қарши эмас.*

Нидерландия ҳукумати эса бошқа давлатларни бу ишга тезроқ бош қўшишга чақирмоқда. Франция ва Испания эса ушбу минтақага қуролли кучларни киритишга тайёр.

КОМПЬЮТЕРЛАРНИ СОТИШ ТАҚИҚЛАНДИ

ВАШИНГТОН. *Америка Қўшма Штатлари маъмурияти «Ай-Би-Эм» ва «Хьолетт-Паккард» компаниясининг Россия атом энергияси вазирлиги лабораториялари учун мўжалланган ўта тезкор компьютерларини сотишни тақиқлади.*

Гарчи, бу қарор Америка иқтисодиётига миллионлаб доллар зарар келтирса-да, лекин қуролланиш масалалари бўйича мутахассислар, Россия ушбу компьютерларни ядро қуролини синаш ишларида қўллаши мумкинлиги хавфи борлигини таъкидламоқда.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"

Ф СП - 1

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)
рўзномасига ОБУНА
обуна сони
1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п. в.	жойи

(нашр кўрсаткичи)

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"
(нашр номи)

обуна янги манзилга юборилиш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Обунаچи бурчаги

10-ТОШКЕНТ, 20 ЧИ...

Ҳурматли таҳририят! Кейинги пайтларда кўчаларда ҳаракатланаётган барча автотранспорт воситаларининг давлат белгилари олдида рақамлар пайдо бўлди. Аввалари транспорт воситаси давлат белгиси олдида БХ бўлса Бухоро, ТШ бўлса Тошкент вилояти, СД бўлса Сурхондарё вилоятига тегишли эканлигини билардик. Энди-чи...

Иложи бўлса газета саҳифаларида давлат белгиларининг ўзгариш сабаблари ва вилоятларнинг код-рақамлари хусусида тўлароқ маълумот берсангизлар.

Баҳодир ШОИМОВ,
Тошкент шаҳри.

Биз юқоридаги савол билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАН Бошқармаси техник назорат бўлими бошлиғи Равшанбек ДАМИНОВга мурожаат қилдик.

— Автотранспорт воситаларида фойдаланиладиган рақам белгиларини халқаро талабларга жавоб бера оладиган даражага кўтариш мақсадида ана шундай янгилик қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги автомототранспорт воситалари учун бириктирилган давлат рақам белгиси, ҳудуднинг код рақамлари қуйидагича белгиланди.

10 Тошкент шаҳри, 11 Тошкент вилояти, 12 Сирдарё, 13 Жиззах, 14 Самарқанд, 15 Фарғона, 16 Наманган, 17 Андижон, 18 Қашқадарё, 19 Сурхондарё, 20 Бухоро, 21 Навоий, 22 Хоразм вилоятлари ва 23 Қорақалпоғистон Республикаси.

АСАЛГА ЎЧ АЙИҚЛАР

Шу хорижлик ҳамкасбларимиз ҳам қизиқ-да. Матбуот эркинлиги деб ҳамма нарсани ёзаверадилар. Лекин ўзбекча айтганда, шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди.

Америқолик ҳамкасбларимизнинг тадқиқотларига қараганда уларнинг собиқ президентлари орасидаги энг сержазмани Джон Кеннеди экан. Ҳа, ўша машҳур демократ, суиқасд қурбони бўлган Кеннеди, ўз кайфи чоғлигини ҳам унутмаган экан. Бундан ҳам қизиқроғи, бир гуруҳ журналистлар Кеннеди суиқасд натижасида ҳалок бўлмаганлиги, аксинча, бошқа давлатга қочиб кетганлиги ва ҳозиргача тирик эканлиги ҳақида ёзишмоқда. Ҳаттоки, Кеннеди ўзидан кейинги Америқо президентларига маслаҳатлар ҳам бериб турар экан. «Дунё янгиликлари» журнали ўқувчиларига ваъда беришига қараганда яқин орада Кеннединнинг ўзи билан суҳбат эълон қилиш режалаштирилган...

Мавзудан озгина чалғидик, шекилли, Тақдирлари ўхшамасин-ку, лекин аёлларга ўчликда Америқонинг 42-президенти Билл Клинтон бошқалардан қолишмас экан. Қолган президентларнинг ҳам ишқий саргузаштлари ҳақида ёзар эканлар «айиқ асалга ўч бўлади», деб хулоса қилишади хорижлик ҳамкасбларимиз.

ЎН ЁШЛИ ҚАРОҚЧИ

Боварияниинг Вайден шаҳарчаси полиция бўлимида телефон жиринглаб қолди. Телефон қилувчи гўшакни кўтарган полициячига ўз фикрини қисқа тушунтириб қўя қолди. «Агар айтилган вақтда, белгиланган жойга 5 миллиард марка олиб келиб беришмаса, шаҳар марказидаги бинолардан бирини портлатиб юборади».

Узоқ тортишувдан сўнг, полициячилар телефондаги «шантажчи»ни 5 миллион маркага рози қилишди.

Энг қизиғи зўравонни қўлга олиш чоғида юз берди. Тиш-тирноғигача қуролланган полициячилар келишилган жойда 10 яшар ғудакни тутиб келишди. Буни қарангки, жангари фильмларни кўп кўрган болакай, полицияни қўрқитиб, пул ишлаб олмоқчи бўлган экан. Зўравонни ота-онасига топширган полициячилар, уларга шундай шарт қўйдилар. Болага жангарилик, ўғрилик ва бузуқлик намойиш этиладиган фильмларни кўриш қатъий тақиқланади.

Сиз нима дейсиз, азиз муштарий, бизнинг болаларимиз фақат керакли фильмларни томоша қилишяптими? Ёки...

ЙЎҚСИЛЛАРНИНГ КАМБАҒАЛ ЙЎЛБОШЧИСИ

«Йўқсиллар — Октябрь тўнтаришининг асосий мақсади бойликларни йўқотиш, барчани ёппасига камбағаллаштириш эди» дейди бугун тарихчи дўстим.

«Йўқсиллар инқилобининг доҳийлари, ҳаттоки, ўзларининг сўнгги бурда нонларини, сўнгги чақмоқ қандларини ҳам камбағалларга бўлиб беришган» деб ёзади, кечаги тарихчи.

Нима бўлганда ҳам ўша Октябрь воқеаси дунёда биринчи бўлиб табақаларни йўқотиб, «тенг»лар давлатини тузган эди. Демак, унинг доҳийлари ҳам ўз фуқаролари билан тенг — яъни камбағал бўлишган ёки камбағал бўлишлари шарт бўлган.

Юқоридаги шартимизни инкор қилиб, халқ орасида бир миш-миш юрарди. Эмишки, йўқсиллар инқилоби доҳийларидан бири вафот этгач, унинг сейфидан хазина топилибди. У киши, хазинанинг миқдори қанчалиги ҳам яқин-яқингача номаълум эди. Энди билсак...

1919 йилда йўқсиллар етакчиларидан бири Я. М. Свердлов вафот этди. Унинг ўлимидан сўнг ишхонасидаги сейфни очиб бўлмади. Аниқроғи, калит топилмади. Натижада сейф Кремль комендантининг махсус омборхонасига топширилди. Ва шу бўйича 16 йил, 1935 йилнинг июлигача унутилди. Ва ниҳоят очилганда эса...

— Сейфдан чиққан олтин тангалар 108.525 рублга (1935 йил нархи бўйича) баҳоланди:

— Қимматбаҳо тошлар билан безатилган 705 хил олтин буюмлар:

— 7 дона тоза, яна шунча Я. М. Свердлов қариндошлари ҳамда Княгиня Барятинская ва бир қатор машҳур кишилар номига тўлдирилган паспортлар:

... топилди.

Ана сизга йўқсилларнинг «камбағал» йўлбошчиси.

НАСИЯНИ КИМ ЧИҚАРГАН?

Россия Мустақил Қозоғистон ҳудудидаги Бойконур космодроми учун ижара ҳақи тўлайдими? Бу савол кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Қозоғистоннинг Россия Федерациясидаги элчихонасининг маслаҳатчи вакили Вячеслав Чернов «Аргументы и факты» газетасидаги ҳамкасбларимизнинг юқоридаги саволига шундай жавоб беради.

«Бойконур» космодромининг 1 йиллик ижара баҳоси 115 миллион доллар баҳоланган. Лекин энг қизиғи Россия 1991 йилдан буён космодром учун бирор тийин ҳам тўламаган.

Ҳар ҳолда нақддан кўра насия яхшида-а?

ОИЛАВИЙ САДОҚАТ ОШҚОЗОНГА БОҒЛИҚ...МИ?

«Эркакларнинг муҳаббатига, уларнинг ошқозонлари орқали эришиш мумкин», деган фикр бир неча бор қулоғимга чалинган эди. Буни қарангки, ана шундай гап италияликларда ҳам бор экан. Тиниб-тинчимаган итальянлар айни шу масалада сўров ўтказдилар. Сўров натижаси... биз ўзбек эркаклари билан италиялик ҳамжинсларимиз ҳам қарийб бир хил фикрлашини кўрсатди. Эътибор беринг-а!

Италиялик эркакларнинг кўпчилик қисми, оила мустаҳкамлиги аёлнинг пазандалигига боғлиқ деб билишаркан. Яна 66 фоиз жазмани бор эркаклар ҳам, ўзларининг айбларини хотинлари пазанда эмаслиги билан боғлашган.

Италия аёллари эса, бу масалага андак бошқача ёндашишаркан. Уларнинг фикрича, оила мустаҳкамлигига биринчи сабаб эрларнинг хотинга нисбатан эҳтиросли муҳаббати. Иккинчи сабаб эрларнинг ҳазилкашлиги. Учинчи сабаб эса, эрининг хотинига ошхонада ёрдам бериши.

Демак, италиялик аёлга уйланмаганимиз учун дўппимизни осмонга отсак арзир экан. Ўзимизнинг ўзбек хотинлардан айирмасин. А, лаббай?!!!

ТИЛЛА ТИШЛИ ЧАҚАЛОҚ

Австралиялик Энн-Мэри Рокуэлл ҳам ҳамма аёллар каби ҳомиладор бўлган эди. Ой-куни тўлиб уни ҳам ҳамма аёллар каби тўлғоқ тутди ва ҳамма аёллар каби Канберре шаҳридаги туғуруқхонага олиб боришди. Энн-Мэрининг кўзи ҳамма аёллар каби ёриди-ю лекин янги меҳмон...

Янги меҳмон ҳамма чақалоқларга ўхшамасди. У ингалаб оғиз очгандаёқ пастки жағларидаги тилла тишларни кўрган ҳакимлар эсларидан оғиб қолаёзишди. Аввалига ёш ота-она ҳам ҳайратдан ёқа ушлашдан нарига ўтолмадилар, кейин...

Эҳтирос ўти пасайгач Энн-Мэри отасининг ҳам пастки жағида, айни ўринда тилла тишлари борлигини эслаб қолди. Тасодифни қарангки, чақалоқ дунёга келган куни, соат ва дақиқада унинг бобоси Англиянинг Лондон шаҳрида жон таслим қилган экан. Энди чақалоқнинг тилла тишларини унинг бобосига боғлашмоқда. Гўёки, бобонинг руҳи чақалоққа кўчиб ўтган ва... чол ўзининг тилла тишларини ғудакка ташлаб кетган кўринади.

(«Обунаچи бурчаги» материалларини Ислом ҲАМРО саралади).

АБДОМИНАЛ ТУБЕРКУЛЁЗ НИМА?

Саломатлик сандиғи

Қадим замонлардан маълумки, туберкулёз билан нафақат ўпка, балки суяк-бўғин, пешобтаносил тизимлари, қорин бўшлиғи аъзолари ҳам шикастланади. 1775 йил Балл биринчи марта ичак тутқич лимфа безларининг шикастланишини ўз асарида баён этди. Кейинчалик С. Вилс 1862 йили қорин пардасининг туберкулёздан яллиғланишини ёзди. Абдоминал туберкулёз — бу йиғинди ташҳис бўлиб, қорин бўшлиғидаги аъзоларнинг ҳар хил шаклда шикастланишини ўз ичига олади.

Абдоминал туберкулёзнинг ривожланишида етакчи восита бу инфекциянинг лимфа ва қон томирлари орқали тарқалишидир. Шу касалликка хос ишончли ташҳислаш белгиларининг ва патологик симптомларнинг йўқлиги сабабли абдоминал туберкулёз ташҳисини аниқлаш қийинчиликлар туғдиради. Бунда асосан умумий клиник-лаборатория ва махсус усуллар хулосаларига асосланилади. Касаллик тарихида беморнинг касби, туберкулёз хасталиги билан оғриган беморлар ва жониворлар билан алоқада бўлганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Беморлар асосан қорин соҳасидаги оғриқ, кўнгил айниши, иштаҳа йўқолиши, ичнинг бузилишидан шикоят қиладилар. Ундан ташқари умумий туберкулёзга хос ҳолсизлик, тез чарчаб қолиш, меҳнат қобилиятининг камайиши, озиб кетиш аломатлари ҳам кузатилади. Шифокор текшириб кўрганда кўпинча бемор қорни ичидаги сув ҳисобига катталашган бўлади. Пайпасланганда киндик атрофида оғриқ сезилади. Баъзи касалларда катталашган ичак тутқич лимфа безларини топиш мумкин. Абдоминал туберкулёзни лабораторияда қон, пешоб, балғам, нажас ва асцитик суюқликни клиник-биохимик текшириш натижасида аниқланади. Ташҳисни тасдиқлашда туберкулез синамаси катта аҳамиятга эга. Абдоминал туберкулезни аниқлаш қорин бўшлиғи ва ошқозон-ичак трактини рентген орқали, қорин бўшлиғини ультратовушда текшириш, лапороскопия, яъни лапароскоп орқали қорин бўшлиғини кўриш, лозим бўлса бир бўлак кесиб олиб гистологик текшириш ва лапаротомия, яъни қорин бўшлиғини жарроҳлик йўли билан очиб кўриб, туберкулёз деб тахмин қилинган жойдан кесиб олиб текширилади.

Кейинги вақтда институтимизда текширишнинг янги усули қўлланиляпти. Абдоминал туберкулёзни даволаш туберкулёз терапиясининг умумий принципларидан келиб чиқади. Асосий усул туберкулёзга қарши антибактериал дорилардир. Улар ёрдам бермаганда ва мезентериал лимфа безлари йиринглаб парчаланганда жарроҳлик усули қўлланилади.

Миразим ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги физиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институти урогенитал бўлими мудири.

БИР ТИЛДА ГАПЛАШАЙЛИК

Ҳайит Абдуллаев, қарийб йигирма йилдирки, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли руҳий касалликлар шифохонасида ишлайди. Уттиздан ортиқ илмий мақолалар ва битта ихтирочилик ишининг муаллифи. Шу йилнинг август ойида Испанияда бўлиб ўтган дунё психиатрлари X конгрессида профессор Шайхзода Муртоибов, Абдунаби Абдиназаров ва Ҳайит Абдуллаевлар қатнашиш бахтига муяссар бўлишди.

— Бу нуфузли анжуманда «Бир дунё— бир тил» шиори илгари сурилди, — дейди Ҳайит ака. — Дунёдаги ҳамма давлатлардан иштирок этган ўн минг психиатрларнинг барчаси қаерда бўлмасин, шифокор бемор тилида гаплашиш имкониятига эга бўлиши шарт, деган ғояни бир овоздан қуллаб-қувватладилар. Конгрессдан кейин бўлган йиғилишда менинг икки таклифим эътиборга олинди. Бу психиатрлар Кодекси ҳақидаги ва психиатрияда ислоҳотга эришиш борасида расмий вакиллар иштироки масалалари эди.

Ҳайит ака кўрган-кечирганларини яна шундай изоҳлайди:

— Мени бир нарса ҳайратга солди. Яъни Европада беморлар, айниқса руҳий жиҳатдан нуқсони бор инсонлар устидан кулиш гуноҳи азим саналар экан. Бизда-чи? Аксинча, истаган одам, айниқса қизиқчи-ю аскиячилар шунақа «латифа»лар айтишиб, ажабтовур қилиқлар кўрсатишадики, «тавба» дея ёқа ушлайсан.

Яна бир таклифим: Ўзбекистонда фуқароларга руҳий ёрдам кўрсатишга оид Қонун устида ҳам ўйлаб кўрса. Кўпгина давлатларда худди шундай қонун бор. Агар у жорий этилса, психологик экспертиза, миллий кадрлар масалалари ҳамда инсон ҳуқуқларининг ҳимоясига жиддий эътибор қаратилган бўларди.

Ҳайит аканинг айтаётган таклифлари ўринли. Дарвоқе, бу борада ҳали қилинмаган кўп ишлар турибди. У кишининг қўлидаги қоғозига кўзимиз тушади. Голландияда бўладиган йирик анжуманга таклифнома. «Ҳа, Ўзбекистоннинг дунёда ўз ўрни бор. Насиб этса жаҳон психиатрлари жамиятига аъзо бўламиз», — дейди у.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

Диққат, премьера!

«ЧИМИЛДИҚ» ТАНТАНА ҚИЛДИ

ёки бўлғуси келин-куёвлар ва янгалар ушбу спектаклни ўзлари учун икки соатлик «сабоқ дарси» деб қабул қилишлари ҳам мумкин.

Аслида турмушимизнинг турган-битгани томоша. Лекин уларнинг ҳаммаси кўнгилга бирдек манзур бўлавермайди. Тан олиш керак, қулоғимизга чалинган миш-мишлар у ёқда турсин, ён-веримизда юз бераётган воқеаларга ҳам бефарқ бўлиб қолганмиз. Баъзан кўзимизга ҳам ишонолмаймиз.

Тўғри, биргина биз эмас, балки ер юзидаги барча халқлар кутилмаган «томоша»лардан чарчади. Лекин инсоният минг йиллик тарихга эга бўлган муқаддас саҳнанинг қадри ва қудратини яхши билади. Гапнинг лўндасини айтадиган бўлсак, биз яхши спектакларни жуда соғинганмиз. Саҳнадаги воқеалар силсиласида шунчаки томошабин эмас, бевосита унинг иштирокчиси сифатида қатнашгимиз келади.

Яқинда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида «ЧИМИЛДИҚ» деб номланган янги спектакль саҳналаштирилди ва бу асар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди. Ушбу спектаклга Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов ва Мунаввара Абдуллаевалар режиссёрлик қилган. Асар муаллифи эса умрини Ҳамза театри билан боғлаган ва айни пайтда шу даргоҳда чироқ устаси бўлиб ишлаётган истеъдодли замондошимиз Эркинжон Хушвақтовдир. Саҳнани рассом Бахтиёр Тўраев безаган.

Спектаклга «ТЎРА интернейшн» фирмаси ҳомийлик қилган. Бош ролларни севимли санъаткорларимиз Мадина Мухторова, Абдурайим Абдуваҳобов, Дилбар Икромова ва Саида Раметовалар ижро этишади.

Тўй ва келин-куёвнинг илк кечаси намойиш этилган бу спектаклнинг бус-бутунлигича халқимизнинг гўзал анъаналари, урф-одатлари, куй ва қўшиқлари билан йўғрилганлиги ниҳоятда қувонарлидир. Асар жиддий фалсафа ва кескин конфликтдан ҳоли, унинг сюжети, композицияси ҳам мураккаб эмас. Қимматбаҳо ва жимжимадор саҳна безакларим йўқ. Лекин бу асар мазмунида ҳар биримизнинг энг шахсий, энг ҳаяжонли хотираларимизни уйғотишга қодир бўлган бир КУЧ мавжуд. Шу куч таъсирида томошабин хаёлан спектакль ижрочисига айланиб кетади.

Ширин орзулар оғушида юрган қиз ота-онасининг истаги билан 35 ёшли йигит билан илк бор чимилдиқда учрашади. Қачондир севган ёридан айрилган йигитнинг мақсади фақат уйланиш ва атрофдаги гап-сўзларга чек қўйиш. Чиллали уйда — келин-куёв ўртасида можаро рўй беради. Бу хунук ҳодисани кузатаётган, янгалик қилаётган момо саросимага тушади ва бор маҳоратини ишга солиб икки ёшни келиштиришга ҳаракат қилади.

Қиз ўзига етганча қайсар. Йигитнинг ҳам иззат-нафси бор. Нима қилиш керак! Чимилдиқ момоларимиздан, боболаримиздан ёдгор-муқаддас жой бўлса! Инсонларни ҳамиша бир-бири билан қовуштирган бу қутлуғ гўшада айрилиш содир бўлмаслиги керак. Янгаларнинг ҳаяжони ва масъулиятини, устамонлигу уддабуронликларини Дилбар Икромова ва Саида Раметовалар шу қадар маҳорат билан саҳнага олиб чиқишганки, беихтиёр халқимизнинг удумлари бежиз эмаслигини тан олгинг келади.

Ҳуллас, ёр-ёр билан бошланиб келин салом билан якунланадиган бу асарда чимилдиқ тантана қилади, келин-куёвлар лирик қайфиятда бир-бирларига иноннихтиёрларини топширадилар. Яхшилик билан бошланган спектакль яхшилик билан тугайди.

«Чимилдиқ»да халқимиз донолиги ва уддабуронлиги ўз ифодасини топган, дейиш мумкин. Унда келин-куёв ва момонинг тақдиригина эмас, энг чиройли удумларимиз ҳам талқин этилади. Шу маънода янги спектакль кўпчиликка сабоқ бўлади деган фикр туғилади.

Эҳтимол, асар давомида томошабин қотиб-қотиб кулмас ёки кимнингдир тақдири учун азият чекиб кўз ёш қилмас. Лекин у икки соат давомида ҳиссиётлар оғушида яшайди. Воқеани бус-бутунлигича, табиийлигича қабул қилади ва унга ишонади: чимилдиқнинг илоҳий кучига яна бир бор икрор бўлади.

«ЧИМИЛДИҚ»қа тушган томошабин театрдан тўйдан қайтгандек қайтса ҳам ажаб эмас.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

***СУРАТДА:** янги спектаклдан бир кўриниш.*
Бахриддин БОЗОРОВ олган сурат.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи И. ҲАМРО.

Руйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0627

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.10

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна "Матбуот уюшмаси" агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обунаچиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАچИЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обунаچи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги "ПВ-Жойи" деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва "Матбуот уюшмаси" агентликлари ходимлари тўлғазади.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти Марказий Кенгаш аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Д. М. Гуломова-га акаси **Ҳусанхон МУҲАММЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Саодат» журнали ижодий жамоаси «Саодат» кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.М. Гуломовага акаси **Ҳусанхон МУҲАММЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Диққат, обуна давом этмоқда!
Азиз юртдошлар!

"ОБУНА 97"

Осиё бозори

Мустақил иқтисодий газетасига 1997 йил учун обуна бўлишни унутманг.

"ОСИЁ БОЗОРИ"га обуна бўлсангиз:

- мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларнинг қандай бораётганлигидан хабардор бўласиз;
- кичик бизнесни ташкил этиш йўл-йўриқларини ўрганасиз;
- молия ва банк, солиқ тизимидаги янгиликлардан воқиф бўласиз;
- қимматли қоғозлар бозори тўғрисида кенг маълумотлар оласиз;
- ишбилармонлар эса ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни кўз-кўз қилиб сотиш, реклама қилиш имтиёзли имкониятига эга бўладилар.

"ОСИЁ БОЗОРИ" — СИЗНИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ОЛИБ ЧИҚАДИ!

"ОСИЁ БОЗОРИ"

индекс : 64742 (якка обуначилар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
44 сўм	132 сўм	264 сўм	528 сўм

индекс: 64567 (ташкилотлар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
48 сўм	144 сўм	288 сўм	576 сўм